

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖАЛАЛОВ БАХРОМЖАН БЕГМУРЗАЕВИЧ

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ЧИРЧИҚ – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Джалалов Бахромжан Бегмурзаевич

Бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион компетентлигини шакллантириш
механизмларини такомиллаштириш3

Джалалов Бахромжан Бегмурзаевич

Совершенствование механизмов формирования инновационной
компетентности будущих учителей.....23

Djalalov Bakhromjan Begmurzayevich

Improvement of the formation of innovation competence of future
teachers.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works47

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖАЛАЛОВ БАХРОМЖАН БЕГМУРЗАЕВИЧ

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАҚЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ЧИРЧИҚ – 2021

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Ped490. рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (cspi.uz/uz/ilmiy-kengash) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бегимкулов Узокбой Шоимкулович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эркабоева Нигора Шерматовна
педагогика фанлари доктори, доцент

Махмудов Абдулхалим Хамидович
педагогика фанлари доктори (DSc)

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй.) Тел.: (+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41; e-mail: cspi-kengash@umail.uz.

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Ш.Қ.Мардонов

илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Ф.У.Қодирова

илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.д. (DSc)

У.Н.Ходжамқулов

илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д. (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион компетентлигини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараённинг креатив моделлари таълим жараёнига татбиқ этилмоқда. Инновацион фаолиятга тайёрлашнинг ижтимоий-педагогик механизмларидан кенг фойдаланиш орқали уларда инновацион компетентликни шакллантириш механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик янгиликларга мослашувчанлиги, мобиллиги, аксиологик муносабатини таркиб топтиришнинг аутопедагогик тизимини ишлаб чиқиш, педагогика олий таълим муассасаларида инновацион таълим муҳитини яратиш орқали талабаларнинг креативлигини ривожлантириш, бўлажак ўқитувчилар шахси ва инновацион лаёқатлилигини компетенциявий ва акмеологик ёндашувлар асосида узлуксиз ривожлантиришнинг дидактик механизминини такомиллаштириш ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон таълим муассасалари ва илмий тадқиқот институтларида электрон ахборот таълим ресурсларидан фойдаланиш фанларнинг методик ресурсларини такомиллаштириш, халқаро малака талабларига мос рақобатбардош педагог кадрлар тайёрлаш онлайн ўқитишнинг психологик, андрогогик жиҳатларини аниқлаштириш, талабаларнинг шахсий, касбий, ижодий имкониятларини ривожлантириш ўқув жараёнига компетенциявий ёндашувни жорий этиш масалалари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион компетентлигини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён моделини такомиллаштириш, инновацион компетентликни шакллантиришда ўқув портфолиосининг педагогик имкониятларини аниқлаш, инновацион компетентликни шакллантиришнинг экспериментал методларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Республикада бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион компетентлигини шакллантириш технологияларини ишлаб чиқиш, таълим муассасаларида эдвайзерлик фаолиятини ташкил этиш механизмларини такомиллаштириш, таълимий жараёнларда қўлланиладиган фасилитацион, антропологик, акмеологик моделларни такомиллаштиришнинг меъёрий асосларини ишлаб чиқиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”¹ педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда ҳам муҳим ўрин тутди. Шу боис, бўлажак ўқитувчиларда инновацион компетентлик компонентлари узлуксиз ривожланишнинг оптимал вариантларини танлаш ва унинг амалий асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони – “Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами”, 2017 й. 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сон “Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2020 йил 27 февралдаги ПҚ-4623-сон “Педагогик таълим соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Олий малакали мутахассислар тайёрлаш ва ривожлантириш жараёни қонуниятлари ва тенденциялари, бўлажак ўқитувчиларни касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш муаммолари Республикамиз олимларидан А.А.Абдуқодиров, Н.Н.Азизхўжаева, З.Э.Азимова, У.Ш.Бегимқулов, Г.Т.Боймуродова, Р.Х.Джураев, Ш.Қ.Мардонов, У.И.Иноятов, Ж.Йўлдошев, Н.А.Муслимов, О.М.Мусурманова, Р.А.Мавлонова, М.Т.Мирсолиева, М.Очилов, Б.Х.Рахимов, А.К.Рахимов, Н.Сайидахмедов, Э.А.Сейтхалилов, Ш.Шодмонова, Н.М.Эгамбердиева, А.А.Халиков, Ф.Р.Юзликаев, Д.И.Юнусовалар томонидан тадқиқ қилинган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари олимларидан Е.И.Артамонова, В.И.Бойко, Н.В.Васильев, М.Е.Вайндорф-Сысоева, Л.К.Гребенкина, Л.П.Илларионова, И.Ф.Исаев, В.С.Лазарев, Б.П.Мартиросян, И.О.Мальцева, В.Б.Моисеев, С.Н.Новиков, В.И.Нечаев, Л.С.Подимова, В.А.Сластенин, Е.Г.Силяева, В.А.Хуторский, Е.Н.Шияновлар бўлажак педагогнинг инновацион компетентлигини шакллантиришнинг асосий механизми сифатида ва масофавий таълимни бўлажак педагогни инновацион фаолиятга тайёрлаш воситаси сифатида илмий тадқиқот ишларини олиб боришган.

Хорижий мамлакат олимлари Анжела Стоф (Angela Stoof), Бенжамин

Блум (Benjamin Bloom), Брайан Р. Кол (Bryan R. Cole), Драпеау Патти (Drapeau Patti), Джон Равен (Jon Raven), Жаслин С. Голберг (Jasqueline S. Golberg), Мерриэмбар Жерон (Merrienboer Jeroen), Шубра Мангал (Shubhra Mangal), Рину Мохан (Reenu Mohan), Лайл Спенсер (Lyle Spencer) ва бошқалар педагогларнинг касбий салоҳиятини ривожлантириш, компетентлик масалалари, касбий-педагогик етуклик муаммолари, олий таълим муассасаларида (ОТМ) таълимни интенсивлаштириш ва педагогик ҳамда ахборот технологияларини таълим жараёнига татбиқ этишга доир тадқиқотлар олиб борган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-1-148. “Касб таълими мазмунини модернизациялаш асосида ўқитувчилар касбий компетентлигини шакллантириш технологияси” (2015-2017 йй) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион компетентлигини шакллантириш механизмларини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

педагогика таълим соҳаси талабаларининг инновацион компетентлигини шакллантириш жараёнининг моҳиятини ёритиб бериш;

бўлажак ўқитувчиларда инновацион компетентликни шакллантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш;

методологик ёндашувлар асосида бўлажак ўқитувчиларда инновацион компетентликни шакллантириш моделини ишлаб чиқиш;

ахборотлаштирилган таълим муҳитида бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион компетентлигини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион компетентлигини шакллантириш жараёни белгиланиб, тажрибасинов ишларига Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Фарғона, Бухоро давлат университетларининг 525 нафар респондент-талабалари жалб қилинди.

Тадқиқотнинг предметини бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион компетентлигини шакллантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий-педагогик манбаларни ўрганиш, ўқув-меъёрий хужжатларни таҳлил қилиш, кузатиш, сўровнома, суҳбат, педагогик-психологик методикалар, моделлаштириш, педагогик эксперимент, математик-статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

педагогика таълим соҳаси талабаларининг инновацион компетентлигини шакллантириш жараёни тузилмаси ўзаро бир-бири билан алоқадорликка эга мотивацион, рефлексив, креатив компонентларни мезонли кўрсаткичлар билан репродуктив, продуктив ва ижодий даражаларда радиант намоён

бўлиш даврийлиги типиклигини бевосита ҳисобга олиш орқали аниқлаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларда инновацион компетентликни шакллантиришнинг аутопедагогик хусусиятлари касбий лаёқатлилиқнинг асосини ташкил этувчи дидактик, методик, тадқиқотчиликка доир, психологик, коммуникатив, рефлексив компетенцияларни креатив таълим муҳити орқали ривожлантиришнинг интегратив-модулли жиҳатини шахсий салоҳият билан интериоризациялашув механизмини қатъий белгилаш орқали аниқлаштирилган;

рефлексив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда инновацион компетентликни шакллантириш моделининг ташкилий-жараёнли компоненти назарий ва амалий блокни қайта алоқага киришувини таъминлайдиган таҳлилий, амалий, умумлаштирувчи босқичларда информал тарзда киритиш имконини берувчи педагогик практикум (“Ёш инноватор” тўғараги)ни ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион компетентлигини шакллантиришнинг ташкилий-педагогик шартлари контекстли таълимни амалга ошириш, ривожлантирувчи тренинглари, аралаш таълим, SMART ва STEAM технологияларини интегратив қўллаш, субъектив позицияни таркиб топтириш каби индикаторларни субъект-субъект муносабатларига асосланган ўзаро биргаликдаги ҳаракатлар тизими билан кооперативлигини таъминлаш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда ўз аксини топган:

бўлажак ўқитувчиларда инновацион компетентликни шакллантириш компонентлари, мезонлари, кўрсаткичлари ва даражалари аниқлаштирилган;

талабаларда инновацион компетентликни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён модели ишлаб чиқилган ва таълим амалиётига жорий этилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион компетентлигини шакллантириш механизмларини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “инновацион компетентлик”, “бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион компетентлигини шакллантириш”, “инновацион фаолият”, “инновацион жараён” тушунчаларнинг мазмун-моҳиятининг очиқ берилганлиги, талабаларда инновацион компетентликни шакллантириш компонентлари (мотивацион, когнитив, креатив, рефлексив), мезонлари, кўрсаткичлари ва даражаларининг аниқлаштирилганлиги,

бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион компетентлигини шакллантириш имкониятларининг ёритиб берилганлиги, ўқитувчининг инновацион фаолиятига қўйиладиган талаблар ва унинг таркибий асосларининг аниқланганлиги, талабаларда инновацион компетентликни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари илмий-назарий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти интерфаол таълим технологияларининг таснифи, талабаларда инновацион компетентликни шакллантириш босқичлари, инновацион компетентликни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён доирасида ҳал этилиши лозим бўлган амалий вазифаларнинг ишлаб чиқилганлиги, бўлажак ўқитувчиларда инновацион компетентликни шакллантиришнинг педагогик шартларини аниқлаштирилганлиги, талабаларнинг инновацион компетентлигини шакллантиришга йўналтирилган таълим мазмунини такомиллаштириш тизими, бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион компетентлигини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён моделининг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион компетентлигини шакллантиришга оид тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

педагогика таълим соҳаси талабаларининг инновацион компетентлигини шакллантириш жараёни тузилмасини ўзаро бир-бири билан алоқадорликка эга мотивацион, когнитив, рефлексив, креатив компонентларни мезонли кўрсаткичлар билан репродуктив, продуктив ва ижодий даражаларда радиант намоеън бўлиш даврийлиги типиклигини бевосита ҳисобга олиш орқали аниқлаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан педагогика соҳаси Давлат таълим стандарти ва малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 24 августдаги 89-03-2914-сон маълумотномаси). Натижада, педагогика олий таълим муассасаси битирувчиларида шакллантирилиши лозим бўлган инновацион компетенциялар тизимини ишлаб чиқишга хизмат қилган;

бўлажак ўқитувчиларда инновацион компетентликни шакллантиришнинг аутопедагогик хусусиятлари касбий лаёқатлилиқнинг асосини ташкил этувчи дидактик, методик, тадқиқотчиликка доир, психологик, коммуникатив, рефлексив компетенцияларни креатив таълим муҳити орқали ривожлантиришнинг интегратив-модулли жиҳатини шахсий салоҳият билан интериоризациялашув механизмининг қатъий белгилаш орқали аниқлаштириш, рефлексив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда инновацион компетентликни шакллантириш моделининг ташкилий-жараёнли компонентини такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан А-1-099. “Ўзбекистоннинг барқарор стратегик тараққиётида фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ва маънавий-ахлоқий хавфсизликни таъминлаш концепцияларининг аҳамияти” (2015-2017 йй.) амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 24 августдаги 89-03-2914-сон маълумотномаси).

Натижада, бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион компетентлигини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён самарадорлигини оширишга эришилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион компетентлигини шакллантиришнинг ташкилий-педагогик шартларини контекстли таълимни амалга ошириш, ривожлантирувчи тренинглар, аралаш таълим, SMART ва STEAM технологияларини интегратив қўллаш, субъектив позицияни таркиб топтириш каби индикаторларни субъект-субъект муносабатларига асосланган ўзаро биргаликдаги ҳаракатлар тизими билан кооперативлигини таъминлаш орқали такомиллаштиришга доир тавсиялардан ПЗ-20170930223. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни ривожлантиришда ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш механизмини такомиллаштириш” (2018-2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 24 августдаги 89-03-2914-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион компетентлигини шакллантиришнинг дидактик таъминотини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, 140 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак ўқитувчиларда инновацион компетентликни шакллантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш долзарб педагогик муаммо эканлиги, уларнинг инновацион компетентлигини шакллантиришга замонавий ёндашувлар ва инновацион компетентликни шакллантиришнинг моҳияти ва тузилмаси баён қилинган.

Жамият таракқиётининг замонавий талаблари, барча соҳаларда амал қилинаётган таракқийпарвар ёндашувлар, тенденциялар мутахассисларни, жумладан, бўлажак ўқитувчиларнинг нафақат таълим соҳасида билим, кўникма ва малакага эга бўлиши, балки янги, инновацион ғоялар ва ёндашувларни ўз фаолиятига татбиқ этишга қодир бўлиши керак.

Тадқиқ этилган масалани ҳар томонлама ўрганиш мақсадида бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион компетентлигини шакллантириш масалалари хорижий ва маҳаллий педагогик тадқиқотларда кўриб чиқилди.

М.Т.Ахмедова, Ю.М.Асадов, С.Н.Акбарова, Н.Ш.Турдиев, Д.Ш.Темиров, А.В.Хуторский, И.А.Зимняя, А.К.Маркова, В.Н.Введенский, Н.А.Муслимов, Ж.Равен, Р.Мейерс, М.Б.Уразова, В.А.Сластенин, Л.С.Подымова, К.В.Шапошников, Т.М.Сорокина, А.С.Косогова, М.Ҳ.Усмонбоева, Ю.Э.Раҳимова, М.А.Чошанов ва бошқа тадқиқотчиларнинг “инновация”, “компетенция”, “компетентлик”, “касбий компетентлик”, “инновацион компетентлик” каби тушунчаларни педагогик нуқтаи назардан талқин қилинган.

Н.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Сайфулов, А.Тўраевларнинг фикрларича, **инновацион компетентлик** – педагогик жараёни такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга доир янги ғояларни илгари суриш, уларни амалиётга муваффақиятли татбиқ этишдир.

Р.Ишмухамедов ва М.Мирсолиеваларнинг фикрича, **инновацион компетентлик** – таълимдаги инновацион жараёнлар моҳиятидан хабардорлик, касбий фаолият соҳаси ва тегишли таълим йўналишидаги инновацияларни ўзлаштириш, амалиётга фаол татбиқ этиш, замонавий педагогик, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги саводхонлик, чет тилларни ўзлаштириш, новаторлик фаолиятида кўринадди. Мазкур жараёнларда педагог шахсининг касбий фаолият соҳасига йўналганлиги, шахсий имкониятлари, касбий билим, малака, кўникмалари, касбий сифатлар ва меҳнат тажрибаси ўртасидаги уйғунлик ва инновацион жараёнларнинг фаолият соҳасига нисбатан интеграциялашувини таъминланиши инновацион компетентликни ривожлантиришдаги етакчи омиллар сифатида баҳоланади.

Инновацион компетентликни ҳисобга олган ҳолда тадқиқотчилар Н.Ю.Звягинцева, Э.А.Шмелева ушбу концепцияни профессионал ривожланишга ҳисса қўшадиган шахсий таълим сифатида аниқлашни таклиф қилади. Уларнинг концепциясига кўра педагогик инновацияларни муваффақиятли ўрганиш ва қўллаш, ижодий конвертация қилиш ва жамоавий инновацион педагогик фаолият доирасида янгиликларни яратиш имконини беради.

Н.П.Тсирикова ўқитувчининг инновацион компетентлигини, биринчи навбатда, янги педагогик технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини таъминлайдиган мотивлар, билимлар, кўникмалар, шунингдек, шахсий фазилатлар тизими, деб ҳисоблайди.

Инновацион компетентликнинг моҳиятини ўхшаш талқини О.А.Дергачев томонидан тақдим этилади, яъни унинг таъкидлашича педагогик инновациялар ва инновацион педагогик фаолият назарияси бўйича

махсус назарий билимлар тўплами, уларни амалда самарали қўллаш қобилияти сифатида белгилайди.

О.Койсанова бу тушунчанинг бошқа талқинини таклиф қилади. Унинг фикрига кўра, инновацион компетентлик субъектнинг инновацион идрокини ўз ичига олади ва куйидагиларга асосланган ҳолда аниқланади: ўз инновациялари ва умуман янгиликларни ёки кашфиётларни ҳис қилиш; янги элементларни кўриш қобилияти; муаммонинг янги ечимини таклиф қилиш қобилияти.

Тадқиқотчи К.Рогерс инновацияларни амалий фаолият ёки шахс ёки бошқа дастур бирлиги сифатида янги нарса деб ҳисобланадиган объект деб билади.

Тадқиқотчилар Г.И.Шевченко, О.В.Кучергин ва бошқалар педагогик инновацион фаолиятни тавсифловчи куйидаги янгиликларни ажратиб кўрсатадилар:

– мутлақ янгилик билан ажралиб турадиган янги таълим ғоялари ва амалий ҳаракатлар;

– модернизация қилинган таълим ғоялари ва амалий ҳаракатлар, яъни мослаштирилган, дастурнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қайта ишланган, такомиллаштирилган, муайян муҳитда зарур аҳамиятга эга бўлиш учун тўлдириладиган;

– янги объектни ҳисобга олган ҳолда қўлланиладиган инновациялар.

Шундай қилиб, кўриб чиқилган фикрларнинг аксарияти инновация тушунчаси маълум бир мақсадга самарали эришиш учун муайян янгиликларни акс эттиради ва инновацион компетентлик бўлажак ўқитувчиларнинг мотивлари, билимлари, кўникмалари, тажрибаси, шахсий фазилатлари тизимини қамраб олувчи мураккаб хусусият бўлиб, илғор педагогик тажриба ва энг янги технологияларни кундалик профессионал тарзда самарали қўллашни таъминлайди.

Бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион компетентлигини шакллантириш, ўз навбатида, педагогдан инновацион фаолиятни самарали амалга оширишни талаб этади.

Диссертациянинг **“Бўлажак ўқитувчиларда инновацион компетентликни шакллантиришнинг педагогик механизмлари”** деб номланган иккинчи бобида бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион компетентлигини шакллантиришнинг таркибий тузилиши ва кўрсаткич даражалари, бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион компетентлигини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён модели, самарали шакл, метод ва воситалари, инновацион компетентликни шакллантириш моделини амалга ошириш механизмлари баён қилинган.

Олий таълимда талабаларнинг инновацион компетентлигини шакллантириш, уларнинг педагогик фаолиятини янгилаш, инновацион фаолиятга йўналтириш, таълим жараёнига янгиликлар ва инновацияларни олиб киришга тайёрлаш зарурати пайдо бўлмоқда.

Бугунги кунда унинг зиммасига бўлажак ўқитувчиларни инновацион таълим технологиялардан фойдаланган ҳолда уларни инновацион

фаолиятини ташкил этишга йўналтириш вазифалари қўйилмоқда. Бинобарин, бўлажак ўқитувчиларнинг янгиликни излаш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш, улардан амалиётда фойдаланиш каби ҳолатларни ифодаловчи инновацион компетентлигига, ўқув топшириқлари бўйича бир неча ечимларни илгари суриш, улар орасидан оптимал ечимни аниқлаш, илмий хулоса ва далиллар асосида уни баён этиш, асослаш, ечим бўйича ўз фикрларини ҳимоя қилишдан иборат инновацион компетентликка эга бўлишларини таъминлаш давр талаби саналади.

Ҳозирги вақтда талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёрлаш самарадорлиги мезонлари ва кўрсаткичларини ажратиб кўрсатишда ягона ёндашув мавжуд эмас.

Юқоридаги айтилганлар ҳар бир тадқиқотчи учун ўзининг қизиқишлари, фаолият турларига мувофиқ самарали фаолият кўрсаткичлари ва мезонларини аниқлашда ўзига хос ёндашув мавжуд, деган хулосага келишимизга имкон беради.

Биз эса, бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион компетентлигини шакллантириш самарадорлигини баҳолашнинг қуйидаги мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлаштирдик:

мотивацион компонент ўз ичига қадриятли муносабатлар, қадриятли йўналганликлар, касбий фаолият соҳасига нисбатан педагогик-психологик йўналганлик, ўз билим, кўникма ва малакаларини амалда қўллаш, бўлажак касбий фаолиятида янгиликлар ва ютуқларга эришиши эҳтиёжларини ўзида мужассам этиши, доимий ўз-ўзини такомиллаштиришга эҳтиёжнинг англаниши;

когнитив компонент инновацион фаолият ва ҳал этиладиган янги муаммоли масалалар мазмунини билиш, янги маълумотларни излаш ва қабул қилиш жараёнини ўз ичига олади;

креатив компонент - инновацион ва креативликка йўналганлик кўникмалари, инновацион компетенциялар ва креатив касбий тажрибадан таркиб топади;

рефлексив компоненти - бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятга тайёргарлиги: ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилиш, натижаларини баҳолаш, янги муаммоли масалаларга ижодий ёндашишни билдиради.

Мазкур мезонлар ва кўрсаткичларга мувофиқ, бўлажак ўқитувчиларда инновацион компетентликни шакллантиришнинг ўзига хос белгилари аниқланди.

Бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион компетентлигини шакллантириш моделини яратиш тадқиқот даврида ҳал этилган илмий-педагогик вазифалардан бири бўлди.

Тадқиқот муаммосини ҳал қилишга қаратилган илмий-педагогик фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш асосида бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион компетентлигини таркиб топтириш мазмунини тушуниш уларнинг инновацион компетентлигини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён модели таркибини аниқлаш имконини беради. У яхлит бирликка эга бўлиб блоклардан таркиб топади: мақсадли,

педагогик-жараёнли, натижавий-баҳолаш. Биз томонимиздан бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион компетентлигини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён модели ишлаб чиқилди (1-расмга қаранг).


Бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион компетентлигини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён модели мақсад (айни жараённинг мақсад ва вазифалари), педагогик жараён (таълим олувчилар ўқув-касбий фаолиятининг назарий, методик ва инновацион жараёнлари), натижавий-баҳолаш блокларидан ташкил топган.

Мақсадли блокда педагогика ва психология ҳамда бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иши бакалавриат таълим йўналишининг малака талабларида белгиланган таълим мазмунининг зарур ва етарли ҳажмини эгаллаган, таълим дастурларини муваффақиятли ўзлаштирган, мутахассислик фанларидан ўз билимини чуқурлаштириб, инновацион компетенцияларни пухта эгаллаган “Тарбия” фани ва “Бошланғич синф” ўқитувчисини тайёрлаш вазифаси кўйилган. Инновацион компетентликни таркиб топтириш талабаларда иш берувчиларнинг талаблари, педагогик таълим соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари, талабаларнинг таълимий эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантиришни тақозо этади.

Педагогик-жараёнли блокнинг ташкил этувчилари сифатида куйидагилар белгиланди: тайёргарлик субъектлари, методологик ёндашувлар, инновацион компетентликни шакллантиришга қаратилган таълим муҳити (мақсад кўйиш, изланиш, таҳлил), инновацион компетентликни шакллантириш (ташкилий, ривожлантирувчи, амалий, рефлексив, таҳлилий) босқичлари, педагогик технологияларни интегратив қўллаш, интерфаол ўқитиш методлари, таълим шакллари (назарий, амалий, индивидуал), таълим воситалари (матнли: дарслик; кўлланма; методик кўлланма; дидактик материаллар. электрон: видеодарслар; аудио ва видео воситалар (видеофильмлар, флешкалар ва ҳ.к.); ёрдамчи (жиҳоз) воситалар (доскалар (магнитли, электрон)), видеопроекторлар, видеопроектор доскаси, компьютерлар ва ҳ.к.); модели воситалар (турли моделлар, макетлар ва ҳ.к.); тасвири воситалар (фотосуратлар, расмлар, чизмалар, жадваллар, символлар, диаграмма, графиклар ва ҳ.к.); бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион компетентлигини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари: компетентлик асосини ташкил этувчи сифатлар (мотивацион-қадриятли, когнитив, амалий-фаолиятли, креатив), ўқув-методик таъминот.

Натижавий-баҳолаш блокада бўлажак ўқитувчиларда инновацион компетентликнинг шаклланганлигини баҳолаш (мотивацион, когнитив, рефлексив, креатив) ва даражалари (ижодий, продуктив, репродуктив) мезонлари танланди.

Интерфаол ўқитиш методлари ўз ичига: муаммоли баён; кейс-стади; ишчан ўйинлар; ролли ўйинлар; ПОПС-формула; Карусель; Телевизион ток-шоу стилидаги дискуссия; Қарорлар дарахти; Блиц-сўров; Ўқув мунозаралари; Сукрот диалоги; Лойихалаш; Фикрлар шкаласи; Видео-метод ва бошқаларни қамраб олади.



1-расм. Бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион компетентлигини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён модели

Тадқиқот ишлари давомида мазкур интерфаол ўқитиш методлари ва технологиялари, интерфаол машғулот шакллари асосида бакалаврият босқичидаги талабаларда “Педагогик технология”, “Педагогик маҳорат”, “Педагогик ва психологик фанларни ўқитиш методикаси” каби фанлардан турли мавзуларда кичик машғулотлар, бинар, муаммоли маърузалар, семинар-тренинглар, амалий машғулотлари ташкил этилди. Масалан, педагогика ва психология, бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иши факультети 3-босқич талабалари билан “Педагогик технология” фанидан “Таълимдаги инновациялар” мавзусида ўтказилган ноанъанавий семинар машғулотида улар “Т-схема” методи асосида “Анъанавий ва интерфаол ўқитиш”нинг шахс инновацион фикрлашини шакллантиришдаги ўзига хос жиҳатларини қиёсий таҳлил қилишди.

Тадқиқот доирасида диссертация ишининг мавзуси, мақсади ва илмий вазифасига таянган ҳолда, тажриба-синов базалари сифатида танланган олий таълим муассасаларида “Ёш инноватор” касбий тўғараги фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур тўғаракка жалб этилган талабалар билан тренинглар, суҳбатлар, кичик дарслар, аутотренинглар ташкил этилди. Талабаларнинг тўғарак машғулотларида ўзлаштирган билим, кўникма ва малакалари, иш натижалари давра суҳбатлари, инновацион ва ижтимоий лойиҳаларнинг тақдимотлари асосида оммалаштириб борилди.

Диссертациянинг **“Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш”** деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишларининг қўйилиши ва асосий босқичлари мазмуни, тажриба-синов ишлари натижалари ва уларнинг таҳлили келтирилган.

Тадқиқот жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион компетентлигини шакллантиришнинг назарий асосларига таянган ҳолда тажриба-синов ишларининг ташкил этилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Тажриба-синов ишларига Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Фарғона, Бухоро давлат университетларининг педагогика ва психология ҳамда бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иши йўналишида таҳсил оладиган 525 нафар талабалар жалб этилди.

Тажриба-синов ишларининг дастлабки босқичида тадқиқ этилаётган сифатларнинг шаклланганлик даражаси бўйича талабаларнинг фоиз кўрсаткичлари қуйидаги кўриниш ҳосил қилди (1-жадвал).

1-жадвал

Тажриба-синов ишларининг дастлабки, оралик, якуний босқичида бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион компетентлигини шаклланганлик даражалари

Дастлабки босқич						
Мезонлар	Тажриба гуруҳи			Назорат гуруҳи		
	Юқори (ижодий)	Ўрта (продуктив)	Қуйи (репродуктив)	Юқори (ижодий)	Ўрта (продуктив)	Қуйи (репродуктив)

Мотивацион	13,5	38,7	47,7	12,7	39,8	47,5
Когнитив	13,9	36,8	49,2	12,7	38,6	48,6
Рефлексив	10,9	27,1	62,0	10,4	27,4	62,2
Креатив	9,0	27,4	63,5	9,3	27,0	63,7
Оралиқ боскич						
Мезонлар	Тажриба гуруҳи			Назорат гуруҳи		
	Юқори (ижодий)	Ўрта (продуктив)	Қуйи (репродуктив)	Юқори (ижодий)	Ўрта (продуктив)	Қуйи (репродуктив)
Мотивацион	21,4	56,4	22,2	13,5	40,9	45,6
Когнитив	20,3	56,8	22,9	13,5	39,4	47,1
Рефлексив	15,8	42,9	41,4	12,0	28,2	59,8
Креатив	13,5	47,7	38,7	10,4	29,3	60,2
Яқуний боскич						
Мезонлар	Тажриба гуруҳи			Назорат гуруҳи		
	Юқори (ижодий)	Ўрта (продуктив)	Қуйи (репродуктив)	Юқори (ижодий)	Ўрта (продуктив)	Қуйи (репродуктив)
Мотивацион	27,8	70,7	1,5	14,3	42,1	43,6
Когнитив	27,1	70,7	2,3	14,3	40,9	44,8
Рефлексив	25,6	50,4	24,1	11,6	30,1	58,3
Креатив	23,7	51,5	24,8	12,0	28,2	59,8

Педагогик тажриба-синов натижаларини таҳлил этишда талабалар томонидан ишлаб чиқилган инновацион ва ижтимоий лойиҳаларни баҳолаш асосида тажриба ва назорат гуруҳларидаги натижалар математик-статистика методи ёрдамида таҳлил этилди. Ҳисоблаш учун қулай бўлиши учун репрезентатив равишда тажриба гуруҳининг 266 нафар ва назорат гуруҳининг 259 нафар талабасининг натижалари асос сифатида олинди (2-жадвал).

2-жадвал

Тажриба-синов ишлари сўнггида талабалар томонидан ишлаб чиқилган инновацион ва ижтимоий лойиҳаларни баҳолаш натижалари

Боскичлар	Муассасалар	Тажриба гуруҳлари n ₂ = 266 нафар				Назорат гуруҳлари n ₁ = 259 нафар			
		5	4	3	2	5	4	3	2
Асословчи	Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети	13	32	38	7	12	33	36	7
	Фарғона давлат университети	14	34	35	8	14	34	31	9

	Бухоро давлат университети	12	33	33	7	12	32	32	7
	жами	39	99	106	22	38	99	99	23
Таъкидловчи	Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети	30	49	11	0	14	34	37	3
	Фарғона давлат университети	31	50	10	0	14	36	35	3
	Бухоро давлат университети	29	48	8	0	13	33	34	3
	жами	90	147	29	0	41	103	106	9


Таъриба-синов ишлари сўнггида талабалар томонидан ишлаб чиқилган инновацион ва ижтимоий лойиҳаларни баҳолаш натижаларига кўра олиб борилган статистик таҳлил натижаларини қараб чиқамиз.

3-жадвал

Вариация қаторларининг кўрсаткичлари

Босқичлар	Танланмалар	Гуруҳлар	Респондентлар сони	5	4	3	2
Асословчи	1-танланма	Таъриба (X _i)	266	39	99	106	22
	2-танланма	Назорат (Y _j)	259	38	99	99	23
Таъкидловчи	1-танланма	Таъриба (X _i)	266	90	147	29	0
	2-танланма	Назорат (Y _j)	259	41	103	106	9

Танланмалар кўрсаткичлари ёрдамида қуйидаги диаграмма шакллантирилди (2-расм):



2-расм. Талабалар томонидан ишлаб чиқилган инновацион ва ижтимоий лойиҳалар ўзлаштириш кўрсаткичлари

Диаграмма графикларидан тажриба ва назорат гуруҳларида қайд этилган кўрсаткичларнинг танланма модал қийматлари мос равишда $M_T=4$ ва $M_H=3$ га тенглигини, яъни улар орасида кескин фарқ мавжудлиги (математик нуқтаи назардан $M_T > M_H$)ни англаш мумкин. Бу ҳолат белгиланган танланмалар учун мос бўлган ўртача қийматлар $X > Y$ шартни қаноатлантиришдан далолат беради. 4-жадвал кўрсаткичлар ёрдамида Стъудент-Фишер методи формуласига мувофиқ статистик таҳлил амалга оширилди:

4-жадвал

Ҳисоблаш натижалари


Статистик кўрсаткичлар		Асословчи	Таъкидловчи
Ўртача ўзлаштириш қиймати	Тажриба гуруҳи	3,58	4,23
	Назорат гуруҳи	3,59	3,68
Самарадорлик		1,00	1,15
Танланма дисперция	Тажриба гуруҳи	0,70	0,40
	Назорат гуруҳи	0,71	1,04
Квадратик четланиш	Тажриба гуруҳи	0,84	0,63
	Назорат гуруҳи	0,85	1,02
Вариация кўрсаткичлари	Тажриба гуруҳи	0,23	0,15
	Назорат гуруҳи	0,24	0,28
Эмприк қиймат		-0,06	7,42
Критик қиймат		1,67	1,67
Ишончли четланиш	Тажриба гуруҳи	0,07	0,04
	Назорат гуруҳи	0,07	0,11
Ишонч оралиги	Тажриба гуруҳи	3,51	4,19
		3,65	4,27
	Назорат гуруҳи	3,51	3,57
		3,66	3,79
Ўсиш самарадорлигини баҳолаш		0,96	1,11
билиш даражаси баҳолаш		0,00	0,62
Хулоса			H_1

Жадвалдаги асословчи босқичининг хулосасига кўра тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўзлаштириш кўрсаткичларининг бир бирига тенглиги, самарадорликнинг бирга тенглиги, Стъудент статистикасининг эмпirik қиймати критик қийматдан кичиклиги, ишонч оралиқларининг бир бири билан устама-уст тушиши (кесишиши), тажриба-синов ишлари самарадорлигини баҳоловчи мезоннинг бирдан кичиклиги, талабарнинг билиш даражасини баҳолаш мезоннинг нолга тенг ёки кичиклиги H_0 гипотезанинг қабул қилиниши асосга бўлади.

Жадвалдаги таъкидловчи босқичининг хулосасига кўра тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўзлаштириш кўрсаткичларининг бир биридан фарқли эканлиги, самарадорлиги бирдан катталиги, Стъудент статистикасининг эмпirik қиймати критик қийматдан катталиги, ишонч оралиқларининг бир бири билан устама-уст тушмаслиги(кесишишмасли), тажриба-синов ишлари самарадорлигини баҳоловчи мезоннинг бирдан анча катталиги,


талабаларнинг билиш даражасини баҳолаш мезонининг нолдан сезиларли катталиги H_1 гипотезанинг қабул қилинишига олиб келади.

Таъкидловчи босқичдаги тажриба ва назорат гуруҳларига тегишли бўлган ишончли ораликларини геометрик тасвирни ифодалашга имкон беради. Яъни:




Бундан $\alpha = 0,05$ қийматдорлик даражасига кўра тажриба гуруҳларига тегишли ўртача баҳо кўрсаткичлари назорат гуруҳларининг кўрсаткичларига қараганда юқори ва ҳосил бўлган интерваллар устма-уст тушмайди.

Шундай қилиб, статистик таҳлил бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион компетентлигини шакллантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг самарали кечганлигини тасдиқлади. Олиб борилган татқиқот ишидаги самарадорлик кўрсаткичлари кўйидаги 3-4-расмда кўрсатилди.



3-расм. Бўлажак ўқитувчиларда инновацион компетентликни шаклланганлигининг самарадорлик кўрсаткичлари



4-расм. Талабалар томонидан ишлаб чиқилган инновацион ва ижтимоий лойиҳалар самарадорлик кўрсаткичлари

ХУЛОСА

Бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион компетентлигини шакллантириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Тадқиқот ишининг долзарблиги бўлажак ўқитувчиларда инновацион қобилиятларни шакллантириш, уларни инновацион фаолиятни амалга оширишга тайёрлаш зарурати билан белгиланади. Ўқитишнинг самарали воситалари ва таълимдаги янгиликлардан фойдаланган ҳолда касбий фаолиятини амалга оширишга қодир инновацион компетентли ўқитувчиларни тайёрлаш долзарб педагогик муаммолардан ҳисобланади.

2. “Инновацион компетентлик”, “ўқитувчининг инновацион компетентлиги”, “ўқитувчининг инновацион компетентлиги шаклланиши” тушунчалари замонавий педагогиканинг ривожланиш муаммолари ва тенденциялари, шахснинг ривожланувчи интегратив хусусиятлари нуктаи назаридан талқин этилиб, бўлажак ўқитувчиларда инновацион компетентликни шакллантиришнинг илмий-методик ва назарий-концептуал асослари такомиллаштирилди.

3. Инновацион компетентлик ўқитувчи касбий тайёргарлигининг қуйидаги таянч ташкил этувчиларига дахлдор экани аниқланди: касбий-педагогик тайёргарликдаги кадриятли-маънавий йўналишлар; касбий-педагогик тайёргарлик жараёни тузилмаси; касбий-педагогик тайёргарлик жараёни мазмуни; касбий тайёргарликнинг педагогик воситалари; касбий педагогик тайёргарликнинг шарт-шароитлари.

4. Бўлажак ўқитувчининг инновацион компетентлиги шаклланиши деганда унинг касбий ва шахсий сифатларининг узлуксиз такомиллашиши жараёни, педагогик тизимга долзарб янгиликларни киритишга назарий ва амалий жиҳатдан тайёргарлиги тушунилади.

5. Тадқиқот жараёнида инновацион компетентликнинг мотивацион, когнитив, рефлексив, креатив компонентлари аниқланди ва уларга мос инновацион компетентликни баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлари ва даражалари (репродуктив, продуктив ва ижодий) танланди.

6. Бўлажак ўқитувчиларда инновацион компетентликни шакллантиришнинг аутопедагогик хусусиятлари касбий лаёқатлилигининг асосини ташкил этувчи дидактик, методик, тадқиқотчиликка доир, психологик, коммуникатив, рефлексив компетенцияларни креатив таълим муҳити орқали ривожлантиришнинг интегратив-модулли жиҳатини шахсий салоҳият билан интериоризациялашув механизмини қатъий белгилаш орқали аниқлаштирилди.

7. Рефлексив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда инновацион компетентликни шакллантириш моделининг ташкилий-жараёнли компоненти назарий ва амалий блокни қайта алоқага киришувини таъминлайдиган таҳлилий, амалий, умумлаштирувчи босқичларда информал тарзда киритиш имконини берувчи педагогик практикум (“Ёш инноватор” тўғараги)ни ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилди.

8. Бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион компетентлигини шакллантиришнинг ташкилий-педагогик шартлари контекстли таълимни амалга ошириш, ривожлантирувчи тренинглар, аралаш таълим, SMART ва STEAM технологияларини интегратив қўллаш, субъектив позицияни таркиб топтириш каби индикаторларни субъект-субъект муносабатларига асосланган ўзаро биргаликдаги ҳаракатлар тизими билан кооперативлигини таъминлаш орқали такомиллаштирилди.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Талабаларда инновацион компетентликни шакллантиришга қаратилган аудиториядан ташқари машғулотларни ташкил этиш.

2. Бўлажак ўқитувчиларда инновацион компетентликни шакллантиришга йўналтирилган виртуал технологиялардан фойдаланиш лозим.

3. Талабаларда инновацион компетентликни шакллантиришга йўналтирилган неоген топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш.

4. Бўлажак ўқитувчиларда инновацион компетентликни шакллантиришга йўналтирилган семинар-тренинг, маҳорат дарслари, вебинар, услубий кўрсатмалар, инновацион лойиҳалар танловларини ташкил қилиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ОБЛАСТНОМ
ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ
ИНСТИТУТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ДЖАЛАЛОВ БАХРОМЖАН БЕГМУРЗАЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМОВ ФОРМИРОВАНИЯ
ИННОВАЦИОННОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ**

**13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений
АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

ЧИРЧИК – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2018.1.PhD/Ped490.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (cspi.uz/uz/ilmiy-kengash) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (по адресу www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Бегимкулов Узокбой Шоимкулович**
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Эркабоева Нигора Шерматовна**
доктор педагогических наук, доцент
Махмудов Абдулхалим Хамидович
доктор педагогических наук (DSc)

Ведущая организация: **Андижанский государственный университет**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 при Ташкентском областном Чирчикском государственном педагогическом институте (адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Темура, дом №104). (+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41; e-mail: cspi-kengash@umail.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского областного Чирчикского государственного педагогического института (зарегистрировано за № _____). (Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Темура, дом №104. (+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 года.
(протокол рассылки № _____ от _____ 2021 года).

Ш.Қ.Мардонов
председатель научного совета по присуждению ученых степеней,
доктор педагогических наук,
профессор

Ф.У.Кадирова
секретарь научного совета по присуждению ученых степеней,
доктор педагогических наук (DSc)

У.Н.Ходжамкулов
председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней,
доктор педагогических наук (DSc)

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире в образовательный процесс внедряются креативные модели педагогического процесса, направленные на формирование инновационной компетентности будущих учителей. Особое внимание уделяется совершенствованию механизмов формирования инновационной компетентности посредством широкого использования социально-педагогических механизмов подготовки к инновационной деятельности. В частности, большое значение имеет развитие творческих способностей студентов на основе разработки аутопедагогической системы адаптации, мобильности, аксиологического отношения будущих учителей к педагогическим нововведениям, создания инновационной образовательной среды в педагогических вузах, совершенствование дидактического механизма непрерывного образования на основе компетентностно-акмеологического подходов к личностным и инновационным способностям будущих учителей.

В мировых образовательных учреждениях и научно-исследовательских институтах проводятся исследования по использованию электронных информационных образовательных ресурсов для совершенствования методической базы наук, выявлению психологических, андрогенных аспектов онлайн-обучения, развитию личностного, профессионального и творческого потенциала студентов, внедрению компетентностного подхода в образовательный процесс, подготовке конкурентоспособных преподавателей в соответствии с международными квалификационными требованиями. При этом особое внимание уделяется научным исследованиям по совершенствованию модели педагогического процесса, направленной на формирование инновационной компетентности будущих учителей, выявлению педагогического потенциала образовательного портфолио в формировании инновационной компетентности, совершенствованию экспериментальных методов формирования инновационной компетентности.

В нашей республике проводится значительная работа по разработке технологий формирования инновационных компетенций будущих учителей, совершенствованию механизмов организации эдвайзерской деятельности в образовательных учреждениях, разработке нормативно-правовой базы фасилитационной, антропологической, акмеологической моделей, используемых в образовательных процессах. «Дальнейшее совершенствование системы непрерывного образования, продолжение политики подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда»² также играет важную роль в подготовке будущих учителей педагогических вузов. Поэтому важно выбрать оптимальные варианты непрерывного развития компонентов инновационной

² Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года УП-4947. – Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., №6, ст.70.

компетенции будущих учителей и совершенствовать ее практическую основу.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени послужит выполнению поставленных задач в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» УП-4947, № УП-5264 от 29 ноября 2017 г. «Об образовании Министерства инновационного развития Республики Узбекистан», №УП-5847 от 8 октября 2019 года «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года», Постановление № ПП-6097 от 29 октября 2020 года «Об утверждении Концепции развития науки до 2030 года», № ПП-2909 от 20 апреля 2017 г. «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», № ПП-3775 от 5 июня 2018 г. «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших учебных заведениях и обеспечению их активного участия в проводимых комплексных реформах в стране», № ПП-4623 от 27 февраля 2020 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы педагогического образования».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Настоящее исследование выполнено в рамках приоритетного направления науки и технологий: I. «Социальное, правовое, экономическое, культурное, духовно-просветительское развитие информационного общества и демократического государства, развитие инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Законы и тенденции в процессе подготовки и развития высококвалифицированных специалистов, проблемы подготовки будущих учителей к профессиональной педагогической деятельности изучали ученые республики А.А. Абдукадиров, Н.Н.Азизхужаева, З.Э.Азимова, У.Ш.Бегимкулов, Г.Т.Боймуродова, Р.Х.Джураев, Ш.К.Марданов, У.И.Иноятлов, Ж.Йулдашев, Н.А.Муслимов, О.М.Мусурманова, Р.А.Мавлонова, М.Т.Мирсолиева, М.Очилов, Б.Х.Рахимов, А.К.Рахимов, Н.Сайидахмедов, Э.А.Сейтхалилов, Ш.Шодмонова, Н.М.Эгамбердиева, А.А.Халиков, Ф.Р.Юзликаев, Д.И.Юнусова.

Ученые из Содружества Независимых Государств (СНГ) Е.И.Артамонова, В.И. Бойко, Н.В. Васильев, М.Е.Вайндорф-Сысоева, Л.К.Гребенкина, Л.П.Илларионова, И.Ф.Исаев, В.С.Лазарев, Б.П.Мартиросян, И.О.Мальцева, В.Б.Моисеев, С.Н.Новиков, В.И.Нечаев, Л.С.Подимова, В.А.Сластенин, Е.Г.Силаева, В.А.Хуторский, Е.Н.Шиянов провели исследование по дистанционному обучению как основного механизма формирования инновационной компетентности будущих учителей и как средство подготовки будущих учителей к инновационной деятельности.

